

1906594343- СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ  
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Балиқчи т.

2022 йил “28” январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “06.01.2021\_даги 50-01-08/28 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Андижон филиали Балиқчи телекоммуникациялар боғламаси бошлиги Н.Собиров (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **Балиқчи тиббиёт коллеки** номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандлик түгрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи **Д.И.Дадаҳанова** (кейинги ўринларда – Абонент) иккичи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича кўйдагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида Абонент шартномасини тузишига расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишили молизвий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентта идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиши учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Или бор уланинда Абонент тўлови **100** (бир юз) фойз миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишили иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни ҳисобга олган ҳолда) **1 350 000 (Бир миллион уч юз энглис минг)** сўмни ташкил этади. Ушбу сумма **1 350 000 (Бир миллион уч юз энглис минг)** сўм миқдоридаги Абонент тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичидан ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатниши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вактинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишида блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилдаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдор кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10** (ун) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўллади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал килиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликларни Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоия килинган холда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хуқуклари ва маъжбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиши тартибига солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрамасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан маъжбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори дараёқада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиши чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonma/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда маъжбурий равишда хабардор килинади.

#### 7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белgilanadi. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белgilanangan амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом этигирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор килининини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганини хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кутида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн)** календарь кун ичидаги бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолangan ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хакикатни хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
<p><b>“Ўзбектелеком” АК</b> <b>Андижон филиали Балиқчи телекоммуникациялар боғламаси:</b></p> <p>Манзил: Балиқчи тумани И.Худойбердиев кўчаси 5.уй. Банк маълумотлари: х/р: 20210000104074838308; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тошкент филиали Тел: 74-3232009 74-3231656; E-mail: and@uztelecom.uz;</p>	<p><b>Балиқчи тиббиёт коллежи</b></p> <p>Манзил: Андижон вилояти Балиқчи тумани Сирмоқ МФИ Еттиқашқа кўчаси 47-ўй Банк маълумотлари: х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 МФО: 00014 Банк номи: Марказий Банк Тошкент ш ХКМ ШХВ: 400910860032067092600054001 СТИР: 206932548 Тел: +998-55-201-77-27; :+998-55-201-77-37 E-mail: ;</p>
<p><b>Оператор номидан:</b> <b>Н.Собиров Ф.И.Ш.</b> /именем/ м.ў.</p>	<p><b>Абонент номидан:</b> <b>Д.И. Ладаханова</b> М.П.</p>

Юрист: *Мирзабеков*  
Б. Усмонов



2022 йил “28” январь  
№ 1906594343-сонли  
абонент шартномасига  
1-илюва

**Кўрсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

**Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)**

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Нукталар сони	Ойлар сони	15% ҚҚС)	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7	8
<b>I. Бир марталик тўловлари</b>							
1.1	Интернет тўлови тариф буйича			1	3	0	0
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>							
2.1	Интернет хизмат хакки	450000	Нархнома	1	3	176086,96	1350000
<b>Жами</b>						176086,96	<b>1 350 000</b>

Шартноманинг умумий микдори 1 350 000 (Бир миллион уч юз эллик минг) сўмни ташкил этади, 15 % микдоридаги ҚҚС ни инобатга олган ҳолда.

**ОПЕРАТОР:**  
“Ўзбектелеком” АҚ  
Андижон филиали

Баликчи телекоммуникациялар боғламаси

**АБОНЕНТ:**  
Баликчи тиббиёт коллеги

Оператор номидан:

Н.Сабиров



М.ў.

/имзо/

Абонент номидан:

Д.И.Дадаханова



М.ў.

/имзо/